

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 730-ҳадис

730/1463 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَيْسَ عَلَى

الْمُسْلِمِ فِي فَرَسِهِ وَعُؤْلَامِهِ صَدَقَةٌ».

730.1463. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг зиммасида оти ва ғуломи учун закот йўқ»**, дедилар».

Изоҳ: Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимо ушбу ҳадисни далил қилиб, «Отдан закот берилмайди» дейишган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса имом Дорақутний ривоят қилган **«Яйловда ўтлайдиган ҳар бир отда бир динор ёки ўн дирҳам закот бор»**, деган ҳадисни далил қилиб, «Яйловда ўтлайдиган отдан закот берилади. Юқоридаги ҳадисда эса улов ва ҳарбий мақсадларда ишлатилаётган отлар назарда тутилган», деб айтганлар («Ҳидоя»).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI